08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Хўдад" ахборот-таҳлилий дастури

09:20 "Муҳаббат иттироқлари" т/с (22-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон 24" информацион бляки
10:10 "Кирақаш" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ҳаёкатон" ахборот бляки
12:10 Қўпмалган томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "Чой устид" кўрсатuvi
13:00 "Жаҳон 24" информацион бляки
13:10 "Кариб денгиз қароқчилари" т/с (3 қисм)
15:00 "Форму хабарлари" кўрсатuvi
15:20 "Бобурийлар мейроси" х/ф (4 қисм)
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ҳаёкатон" ахборот бляки
16:05 "Клон" т/с (213-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хавина" телешувиқторинаси
18:00 "Яғни авлод" студияси намоиш этили
18:10 Мулфилым
18:30 "Муҳаббат иттироқлари" т/с (23-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Жаҳон 24" информацион бляки
19:40 "Клон" т/с (214-қисм)
20:30 "Хўдад" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Антрақс" кўрсатuvi
21:30 "Янсал" б/ф
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Умри но не сейас" б/ф
02:00 Тунингиз хайри бўлиси!

Жума

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Файли тоғи" дастури
08:30 "Форму хабарлари" кўрсатuvi
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Хўдад" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Муҳаббат иттироқлари" т/с (23-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон 24" информацион бляки
10:10 "Чукил би севги" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ҳаёкатон" ахборот бляки
12:10 Қўпмалган томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "25 қалр" кўрсатuvi
13:00 "Жаҳон 24" информацион бляки
13:10 "Жоусе 007: "Скайфол операцияси" б/ф
15:00 "Форму хабарлари" кўрсатuvi
15:20 Форум вақти
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ҳаёкатон" ахборот бляки
16:05 "Клон" т/с (214-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хавина" телешувиқторинаси
18:00 "Яғни авлод" студияси намоиш этили
18:10 Мулфилым
18:30 "Муҳаббат иттироқлари" т/с (24-қисм)

19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Жаҳон 24" информацион бляки
19:40 "Клон" т/с (215-қисм)
20:30 "Хўдад" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Бизнинг объектида" кўрсатuvi
21:30 "Етилмас қадрамоналар лиғит" б/ф премьера
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Фавваб" б/ф
02:00 Тунингиз хайри бўлиси!

Шанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Файли тоғи" дастури
08:30 "25 қалр" кўрсатuvi
09:00 "Хўдад" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Павла Кунг Фу-1" м/ф (1 қисм)
10:00 "Нироб" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "Дийлор ширин" мусоний-дам олиш дастури
13:00 "Ларо Ванг" б/ф
15:00 "Дилшад дарахлар" теле-шоу
16:20 "Борни барак" кўрсатuvi
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хавина" телешувиқторинаси
18:00 "Ларри Краун" б/ф
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Янсал оли" кўрсатuvi
19:50 "Самеъа ЛУЗ" теле-шоу
20:30 "Супер қелинчак" теле-шоу
21:00 "Удафлар" кўпмалчар кўрсатuvi
22:00 "Парвоз авди" кўрсатuvi
23:00 "Мунаво" б/ф (Ҳиндистон)
02:00 Тунингиз хайри бўлиси!

Якшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Файли тоғи" дастури
08:30 "Буни ҳаёт дейилар"
09:00 "Павла Кунг Фу-1" м/ф (2 қисм)
10:00 "Сюрреаллар" б/ф
11:30 "Samely UZ" теле-шоу
12:00 "Оод шод" кўпмалчар кўрсатuvi
13:00 "Супер қелинчак" теле-шоу
13:40 "Парвоз авди" кўрсатuvi
14:30 "Мунаво" б/ф (Ҳиндистон)
16:30 "Парламент соғити" ахборот-таҳлилий дастури
16:50 "Бизнес промо"
17:00 "Хавина" телешувиқторинаси
18:00 "Антрақс" кўрсатuvi
18:40 "Бизнинг объектида" кўрсатuvi
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Дилшад дарахлар" теле-шоу
21:00 "Дийлор ширин" мусоний-дам олиш дастури
22:00 "Уғил" б/ф
00:45 "Муслик вақти" дастури
01:00 Тунги кинозал: "Тристан и Изольда" б/ф
02:00 Тунингиз хайри бўлиси!

Инсониятнинг ахборотга, уни олиш, фойдаланиш ва тарқатишга бўлган эҳтиёжи мислсиз суръатларда ортиб борапти. Маълумки, ахборотга нисбатан талаб қанчалик кучайса, уни тарқатувчилар ҳам мос равишда кўпайишади. Хўш, тарқатилаётган ахборотлар уни талаб қилаётган шахсларнинг манфаатларига мос келяптими? Шахс, жамият, давлатнинг ахборот хавфсизлигига таҳдидлар бўлса, унинг олдини олиш, ундан муҳофазаланиш мумкинми?

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДЛАР

Унинг олдини олиш, ундан муҳофазаланиш мумкинми?

Бу каби саволлар глобаллашув жараёни шароитида энг муҳим масалалардан бирига айланиб бормоқда. Уларни тўғри ҳал этиш учун эса ахборот хавфсизлиги тушунчасини англаб олиш ва ахборот хавфсизлигини ҳар томонлама таъминлаш, хусусан, ҳуқуқий таъминлаш йўллари излаш лозим.

Ахборот хавфсизлигини оддий қилиб тушунтирадиган бўлсак, бу ахборот муносабатлари субъектларнинг манфаатлари муҳофазаси дейиш мумкин.

Таҳдид — хавфсизликни муайян равишда бузишга қаратилган ҳаракат. У ошқора ёки яширин бўлиши мумкин. XXI асрга келиб ахборот хуружнинг психологик хуруж сифатида намоён бўлиши кучаймоқда. Шунинг ёнда тутиш жоник, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси бевосита инсон ва жамият, шахс ва унинг дахлсизлиги, тарихий ва маданий меросларни асраш билан боғлиқ тушунча ҳисобланади. Инсонлар онги ва руҳиятига таъсир ўтказишнинг замонавий усуллари ахборот орқали амалга оширилади. Ахборот орқали таъсир радио, телевидение, матбуот, интернет каби воситалар ёрдамида узатилиши мумкин, булар орасида телевидение энг таъсирчан восита ҳисобланади. Интернетнинг таъсирчанлиги эса, унинг адади чексизлиги, бутун дунё бўйича тарқалгани, матбуот, радио ва телевидение хусусиятларини ўзида мужассамлаштиргани, ўта тезкорлиги билан изоҳланади.

Техника ва технология мана шундай юқори даражада ривожланган глобаллашув жараёнида ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидлар қандай манбалардан келади? Унинг манбаларини қандай аниқлаш мумкин?

Хозирда илмий-ўқув адабиётларида ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидларнинг ва таҳдид манбаларининг тугал таснифи мавжуд эмас. Бу эса муаммонинг янгилиги ва мураккаблиги билан изоҳланади. Шахсга нисбатан ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда таҳдидни икки гуруҳга — ташқи ва ички таҳдидлар гуруҳларига бўлиш мумкин.

Шахс ахборот-психологик хавфсизлиги ташқи таҳдидларнинг умумий манбаси бу инсонларни қалғитиш, ўзини ва ён атрофидагиларни айнан бир хилда қабул қилиш имконини бермайдиган ахборотлардан иборатдир. Бу ахборотлар оммавий ахборот воситалари (ахборот тизимлари, масалан, интернет ва б.), адабиёт (бадний, илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий, махсус ва б.), санъат (оммавий маданиятнинг турли йўналишлари), таълим (мактабгача, ўрта-махсус, олий таълим ва б.), тарбия (жамоат ташкилотлари (расмий, норасмий) ва таълим тизимидаги тарбиянинг барча шакллари) ҳамда шахсий мулоқот орқали келиши мумкин.

Ташқи манбалардан келувчи ахборотларнинг ҳаммаси ҳам инсонларни қалғитишга, уларни адаштиришга қаратилмайди. Ишончли, оддий, тушунарли ахборотлар билан бир қаторда яширин равишда шахс ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдид қилувчи маълумотлар ҳам келиши мумкин, уларни ажрата билиш эса шахснинг индивидуал қобилиятига боғлиқ.

Ўз индивидуал-психологик хусусиятлари ва руҳият фаолиятининг умумий таснифи ва қонуниятларини билиш ҳозирги вақтда инсон учун нафақат зарурат, балки ижтимоий ўзаро алоқа-

да, турли шахсларга бўладиган вазиятларда хавфсизликнинг энг муҳим шарт бўлиб қолаётир.

Ўзбекистон Республикасида ахборот олиш, ундан фойдаланиш, тарқатишни тартибга солувчи қатор метёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, булар "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунлардир.

"Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунга биноан ахборотлаштириш — юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, шариқат яратишнинг ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёнидан иборат. "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунга кўра, ахборот деганда манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, нарсалар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар тушунилади.

Ахборот олиш фақат қонунга асосан ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин. "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунда ахборот эркинлигининг принциплари сифатида очиклик ва ошқоралик, ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик кўрсатилган.

Албатта, оммавий ахборот барча фуқаролар учун очик ва ундан фойдаланишга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Лекин масала ушбу ахборотдан қандай мақсадда ва қай йўсунда фойдаланишга боғлиқ. Масалан, тадқиқотчи олим турли ахборотларни ўрганиб, ўз билими ва малакасини ошириши, турли соҳаларга янгиликлар киритиши, муаммоларни ҳал этиши мумкин. Аммо унинг мана шу фаолияти шахс, жамият, давлат манфаатларига таҳдид қилмаслиги, зиён келтирмаслиги лозим.

Ушбу қонунда яна жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига эриштиришнинг қуйидаги йўллари ҳам кўрсатиб ўтилган:

- демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;
- қонунга хилоф равишда ижтимоий онга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни қалғитишга йўл қўймастик;
- жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;
- миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятнинг тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга, миллатларо ва конфессияларо тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизими-ни барпо этиш.

Гавҳар ЙЎЛДОШЕВА,
Махмуд МАХАМАТОВ,
ТДЮИ ўқитувчилари

Ахборотлаштириш жараёнининг тезкорлиги шароитида фуқароларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш, психологик таҳдидларнинг олдини олиш, таъсирини камайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Психологик тайёргарлик.
Аввало, шахс ўзининг психологик хавфсизлигини таъминлаши лозим. Бунинг учун эса у ўз индивидуал хусусиятларини яхши билиши, дунёқараши кенг шакланган бўлиши, атрофда содир бўлаётган турли воқеа-ҳодисаларга муносабат билдира оладиган даражага етишиши лозим.

2. Таълим ва тарбия.
Юқоридаги ҳолатни таъминлаш учун эса таълим ва тарбия жараёнига катта эътибор берган ҳолда, ёшларга мана шундай ахборот хуружларига қарши тура оладиган, таҳдидларга ўз муносабатини билдириш кучига эга қилиб таълим берилиши ва ёшлар шу руҳда тарбияланиши, умумий, ўрта махсус ва олий таълим босқичларида ахборот-психологик хавфсизлик бўйича билимлар берилиши керак.

3. Оммавий ахборот воситалари.
Бугунги кунга келиб, ОАВ жуда катта кучга айланди. Унинг ахборот узатиш, қабул қилиш имкониятлари XX асрнинг охирига нисбатан анча кенгайди. ОАВлар орқали мамлакатимизга, аҳолига ҳам ижобий, ҳам салбий ахборотлар етиб келиши мумкин. Юқоридаги икки ҳолатни мустаҳкамлаш, юртимизга бўладиган турли ахборот хуружларини камайтириш, унинг олдини олиш учун эса аввало ўз миллий ОАВмизни янада ривожлантиришимиз лозим.

4. Энг муҳими ва юқоридаги барча ҳолатларда асосий ўрин тутадиган масала бу миллий истиқлол ғоясидир. Миллий истиқлол ғоясини аҳоли онгига сингдириш, ёшларни эса мана шундай ғоялар руҳида тарбиялаш ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган барча чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилишига кўмаклашувчи миллий кучдир.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эърон қилинади. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ давлат тилида тармоқ атамашунослик лугатларини ишлаб чиқиш ва норматив ҳужжатларни ўзбек тилига саводли таржима қилиш долзарб масалага айланди. Шу мақсадда 1993 йилда "UNICON.UZ" ДУҚда телефон-телеграф алоқа лабораториясида таржималар сектори иш бошлади. 1996 йилда эса сектор Таржималар бўлими сифатида янги ташкил қилинди.



ларининг лойиҳаларини, турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда фаол иштирок этганлар.

Мутахассислар малакасини ошириш ишларига катта эътибор берилди. 2006 йилдан давлат тили секторининг барча ходимлари давлат тилига таржима қилиш малакасини ошириш курсларига тайёргарликдан ўтдилар.

Таржималар бўлимида кўп йиллик меҳнати эвазига Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда "UNICON.UZ" ДУҚнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган ходимлар фаолият кўрсатади. Агар 2006-2011 йиллар кўрсаткичлари-

Таржималар бўлими "UNICON.UZ" давлат унитар корхонасининг таркибий бўлими ҳисобланади ва Давлат тили ҳамда Чет тиллар секторидан ташкил топган.

Таржималар бўлими ташкил бўлган пайтдан бошлаб тармоқда ишлаб чиқилган норматив ҳужжатларни таржима қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Чет тиллар сектори Халқаро электралоқа иттифоқи, Европа телекоммуникацияларни стандартлаштириш институти, Бутунжаҳон тикланадиган энергия ташкилоти каби халқаро ташкилотларнинг "UNICON.UZ" ДУҚда нашр қилинадиган стандартлари, тавсиялари, устав ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари билан ишлаш мақсадида Таржималар бўлими қошида 2006 йилнинг март ойида ташкил этилди. Ташкил этилган вақтдан бошлаб чет тиллар сектори юқорида айтиб ўтилган ва бошқа халқаро ташкилотларнинг материаллари ва ҳужжатларининг таржимасини билан шуғулланади.

Чет тиллар сектори томонидан, шунингдек, тармоқдаги корхоналар ва ташкилотлар турли ҳужжатларининг таржимаси амалга оширилади.

Таржималар бўлими томонидан тақдим этиладиган асосий хизматлар куйидагилар:

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган ёки фойдаланиладиган норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари, техник ва бошқа ҳужжатларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш;
- илмий-техник адабиётлар ва стандартлар, халқаро ташкилотларнинг

Норматив ҳужжатлар таржимаси

20 йил

UNICON.UZ

сифатли ва ўз вақтида

тавсияларини рус тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш, шунингдек, уларни таҳрир қилиш;

● халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг стандартлари, тавсияларини хорижий тиллардан ўзбек ва рус тилларига таржима қилиш;

● ўзбек тилида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналар ва ташкилотларнинг ходимларига услубий ёрдам кўрсатиш;

● техник ва юридик ҳужжатлар, технологик жараёнлар тавсифлари, ускуна спецификациялари, эксплуатация қилиш бўйича йуриқномаларни инглиз тилидан рус тилига, рус тилидан инглиз тилига таржима қилиш;

● шартномалар, битимлар, контрактлар, хатлар (хат-хабарлар)ни инглиз тилидан рус тилига, рус тилидан инглиз тилига таржима қилиш; сайтлар ва бошқа ҳужжатларнинг инглиз тилидаги версияларини яратиш.

Бўлим ходимлари — олий техник ва филологик маълумотга эга юқори малакали мутахассислар, бўлимнинг баъзи ходимлари иккита олий маълумотга эга.

Бўлим ходимлари алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги муҳим қонун ҳужжатлари — Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Почта алоқаси тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонун-

ни солиштирадиган бўлса, ишлар ҳажми ўсишининг ижобий динамикаси кузатилади. 2006 йилгача бўлим томонидан 400дан ортиқ норматив ҳужжатлар, шу жумладан, 33та давлат ва 54та тармоқ стандарти таржима ва таҳрир қилинди. 2007 йилдан ҳозирги кунгача 705та норматив ҳужжат таржима қилинди, улардан 45таси давлат ва 38таси тармоқ стандартларидир. Чет тиллар сектори 2007 йилдан 2011 йилгача бўлган давр ичида 181та ҳужжатни инглиз тилидан рус тилига ўтирди.

Давлат тили сектори истиқболда нафақат алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ҳужжатларнинг, балки бошқа тармоқлардаги, хусусан, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, архитектура-қурилиш ва х.к. тармоқлар норматив ҳужжатларининг таржимасини амалга ошириши мумкин. Шунингдек, чет тиллар секторини француз, немис, испан ва бошқа хорижий тиллар мутахассис-таржимонларини жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш имконияти мавжуд.

Малоҳат КОМИЛОВА,
"UNICON.UZ" ДУҚ
таржималар бўлими бошлиғи

2007 йилдан ҳозирги кунгача 705та норматив ҳужжат таржима қилинди, улардан 45таси давлат ва 38таси тармоқ стандартларидир.

ФАКТ

Google кидирув тизимидаги ранжлаш алгоритми Page Rank деб аталади. Бу ном Page (саҳифа) сўзидан эмас, балки компания асосчиларидан бири — Ларри Пейжнинг фамилиясидан олинган.

Ўзбекистон миллий кутубхонасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборотлар олиш, кенг салоҳиятли шакл ва методларни танлаш имкониятини таъминлайдиган "natlib-service" дастури жорий этилди.

Кутубхона фойдаланиш қоидалари ва қўшимча хизмат кўрсатиш прејскуранти асосида мижозларга қўшимча (пуллик) хизмат турларини кўрсатади. Қўшимча хизмат турларидан фойдаланган китобхон ўз ҳисобини тўлдирини зарур. Буни амалга ошириш учун кутубхонада "natlib-service" электрон дастури ишга туширилди. Дастурдан фойдаланувчилар ўз ҳисобини тўлдиргани, қайси қўшимча хизмат турларидан фойдалангани, балансида қанча пул қолгани ҳақидаги маълумотларни "Шахсий хонаси"да кўриши мумкин. Кутубхона хизматларидан фойдаланган китобхон ҳисобидан счиб олинадиган маблағ фойдаланувчининг шахсий парולי ёрдамида амалга оширилади.

INFO-XABARLAR

2013 йилдан бошлаб тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш, "Интернет-банкнинг" тизими орқали солиқларини ва бошқа мажбурий тўловларини тўлаш, юкларни божхонада расмийлаштириш, юридик шахсларнинг қўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқларини "ягона ойна" тамойили бўйича рўйхатга олиш, даъво аризалари ва илтимосномаларни хўжалик судларига бериш каби тартиб-таомилларни электрон шаклда амалга ошириш учун шароитлар яратилди.

XABAR-LUG'AT


ACTIVEVEX — веб-саҳифалар яратувчиларига ўзаро фаол мухитни яратиш имконини берувчи техника воситалари ва амаллари тўплами, кўп сонли асбобларни яхлит қилиб бирлаштириш воситаси.

АДАШЛАР (ИНГЛ. ALIAS) — тармоқ номи, манзил, URL синоними. Агарда иккита ташқи қўринишдан фарқли манзил битта манзилга ишорат қилаётган бўлса, ушбу манзиллар адашлардир.

АНАЛОГ (ИНГЛ. ANALOG) — узлуксиз шаклда акс этувчи тўхтовсиз ўзгарувчи физикавий катталиклар ёки маълумотлар ҳамда ушбу маълумотлардан фойдаланувчи жараёнлар ва функционал қурилмаларга тегишли таъриф.

virtualdars.uz

Ахборот технологияларига оид видео-дарслар, мақолалар ва янгиликлар



VirtualDars loyihasi muallifi Farhod Dadajonov axborot texnologiyalari b'uyicha mutaxassis. U bir qator dasturlar muallifi. 2009 yilning noyabr oylaridan boshlab, muallif 'uz bilimlarini boshqalar bilan urtoqlashni maqsadida, axborot texnologiyalariga oid video-darslar tayyorlashni boshladi. Video-darslar kupaib borгани сайни ularni bir manzilda

tuplash fikri tugildi va shu bilan 2011 yil aprel oyida virtualdars.uz saytiga asos solди.

Ushbu saytda axborot texnologiyalariga oid bulgan video-darslar, maqolalar va yangiliklar bilan taniishi mumkin. Darslarning barchasi 'zbek tilida tayyorlangan. Bu esa axborot texnologiyalari sohasiga qiziquvchi e'shlar uchun qulaylik tugdiradi.

INFO-XABARLAR

Йўловчилар учун Android илова-дастур

"Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК, "Global Solution" компанияси билан ҳамкорликда йўловчилар учун мобил илова-дастур ишлаб чиқди.

"Ўзбекистон ТИ" номли илова-дастур Android платформасида ишловчи мобил қурилмаларга мўлжалланган бўлиб, унда ҳаракатлар жадвали, чипталарнинг нархлари, босиб ўтиладиган масофа вақти ва бошқа маълумотлар билан танишиш мумкин.

Илова-дастурнинг ҳажми 2,5 мегабайтга тенг. Google Play интернет-дўконига 6 январ куни жойлаштирилган.

Global Solutions компанияси бунгача ўзбекистонлик Android фойдаланувчилари учун бир қатор бошқа илова-дастурларни ҳам тайёрлаган. "Yordam", "Teity Mobile" дастурлари шулар жумласига қиради.


Телефон орқали маслаҳат

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси томонидан маслаҳат телефон линияси — 244-89-19 ишга тушди.

Энди шу рақам орқали Давлат солиқ қўмитасининг етакчи мутахассислари солиқ қонунчилигига оид барча масалалар юзасидан саволларга жавоб берадилар. Телефон линияси кечаю кундуз узлуксиз ишлайди. Қўнғироқ қиладиган фуқаро ўзини таништириб, қизиқтираётган саволни лўнда ва тушунарли тарзда бериши зарур. У, шунингдек, ўз телефон рақамини қолдириши керак. Қўмита вакиллари саволни ёзиб олади. Сўнг етакчи мутахассислар томонидан ўша саволга тўлиқ жавоб тайёрланади ва узоғи билан икки кун ичида фуқарога ўз саволи юзасидан аниқ жавоб қайтарилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу хизмат аҳоли учун жуда қулай ва фойдалидир. Ваҳоланки, фуқаролар истаган вақтларида қўнғироқ қилиб, солиқ қўмитасининг юқори органидан ўзларини қизиқтираётган масалалар юзасидан маслаҳат олишлари мумкин.

Провайдерлар учун тарифлар туширилди



"Ўзбектелеком" АК провайдерларга 2013 йил 30 январдан интернет-хизматлари (ташқи канал)га 1 Мбит/с. учун тарифларни 409.44 АҚШ долларига туширди.

Эслатиб ўтамыз, 2012 йилда хизмат нархи етти марта туширилган эди. 2012 йил январдан 1 Мбит/с. учун \$500дан ноябрда \$422гача пасайтирилган.

5-DARS.

Sahifalarni chop etish


Hujjatlar bilan ishlovchi dasturlar kabi Internet Explorer dasturi ham veb-sahifalarni chop etish imkoniyatiga ega.

V e b -sahifani chop etish uchun **Файл** menyusini bosing.

Paydo bo'lgan menyu bo'limlaridan **Печать** tugmasini bosing.

Paydo bo'lgan oynada kerakli parametrlarni o'rnatish va **Печать** tugmasini bosing.


Agar kompyuteringizga printer qurilmasi ulangan va to'g'ri sozlangan bo'lsa berilgan sahifa bosmaga chiqariladi, aks holda xatolik yuzaga keladi.



6-DARS.

Tanlangan sahifalar ro'yxati

Internet brauzeri jurnalida foydalanuvchi tomonidan ko'rilgan va murojaat etilgan barcha sahifalar qayd qilib boriladi.



● Yaqin vaqt ichida ko'rilgan sahifalarni topish uchun uskunalar panelidan **Журнал** tugmasini bosing.

Brauzerning chap tomonida oxirgi kunlar va hafta ichida ko'rilgan veb-sahifalarga bo'lgan murojaat bog'lanishlarini o'z ichiga olgan **Журнал** paneli hosil bo'ladi.

● Veb-sahifani ko'rish uchun **Журнал** panelidan haftani yoki kunni tanlang.

● Alohida sahifalardan iborat veb-sayt papkasini oching va undan sahifa belgisini bosing.

● **Журнал** panelini yopish uchun uskunalar panelidan yana bir marta **Журнал** tugmasini bosing.

Дарслар ТАТУ мутахассислари томонидан тайёрланган

ФАКТ

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2013 йил январ ойи учун асосий кўрсаткичлари:

Рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар — 4 701 (жами — 34 602).

Қатновлар — 39 442.

Китоб берилиши — 270 378.

Экскурсиялар — 16.

Қатнашганлар — 739.

Янги келиб тушган нашрлар:

китоблар — 444,
диссертациялар — 188,
авторефератлар — 534,
журналлар — 1 030,

газеталар — 5 544,
CD — 11,
ноталар — 9.
Жами — 7 760.





Буюк сиёсат ва давлат арбоби, Ҳиндистон мустақиллиги учун кураш раҳбарларидан бири ва унинг биринчи бош вазири Жавоҳарлаъл Неру қаламига мансуб "Дунё тарихига назар" китоби унинг "Ҳиндистоннинг кашф этилиши", "Таржимаи ҳолим" каби мумтоз асарларидан биридир. Бу китоб ўтган асрнинг биринчи ярмида, аниқроғи 1930-1933 йилларда, Неруни мавжуд тузумга қарши кураш ташкилотчиси сифатида қамашган пайтда — турмада ёзилган. Аслида китоб Нерунинг ўз қизи Индира Гандига йўллаган маънавий-маърифий мактублари жамланмаси бўлиб, кейинчалик мустақил асар сифатида нашр этилган.

Бобур ва Жавоҳарлаъл Неру

Унда муаллиф инсоният пайдо бўлган қадимги даврлардан бошлаб то XX асрнинг ўттинчи йилларигача бўлган узок тарихий жараённинг энг муҳим нуқталарини баътафсил баён этган. Илмий-оммабоп услубда, жонли тилда яратилган бу асар шаклан бадиий асарга яқин бўлиб, уч жилддан иборат. Унинг саҳифаларида Ҳиндистон тарихида из қолдирган тарихий шахс ва давлат арбобларининг фаолияти юксак бадиий дид ва нафосат билан тасвирланган.

Гарчи муаллиф йирик ҳажмдаги бу асарида биринчи навбатда ўз мамлакат тарихи тўғрисида кенг қўламда матлумот беришни мақсад қилиб қўйган бўлса ҳам, лекин бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврларни алоҳида ҳурмат ва меҳр-мухаббат билан қаламга олади. Айниқса, Бобур ва Акбар каби салоҳиятли ҳукмдорларнинг серкирра фаолиятига, уларнинг Ҳиндистон тарихида тутган ўрнига муносиб баҳо беради.

Муаллиф ўрта асрларда Ҳиндистоннинг Уйғонини даврини бошдан кечирётган Шарқ ва янги ривожланиш йўлига ўтаётган Фарб мамлакатлари ўртасида тутган мавқеи ҳақида сўз юритиб, бу ерда вужудга келган янги сулола — Бобурийлар ҳукмронлигида Ҳиндистон фозил қудратли салтанатга айланган, шу боисдан ҳам унга Европанинг хавф солиш ёки босқинчилик қилиш эҳтимоли йўқолганини мамнуният билан ҳикоя қилади. "1526 йилда Бобурнинг заиф ва разил афроний Дехли султони устидан қозонган ғалабаси туфайли, — деб ёзади Неру, — Ҳиндистонда янги замон ва янги сулола — Мўғуллар (Т.Бобурийлар) сулоласи бошланди. Ҳиндистондаги Буюк мўғуллар овозаси бутун Осиё ҳамда Европага тарқалганди. Мазкур сулоланинг олти нафар энг йирик ҳукмдори бўлиб, шундан сўнг салтанат бўлак-бўлақларга ажралиб кетди ва мана шу бўлақлардан маратхлар ва сингхлар ўз давлатларини "бичиб-тикиб" олишди.

Ана шулар ортидан инглизлар келишди, улар марказий ҳокимият кулаб, мамлакатда тартибсизлик бошланганидан фойдаланиб, аста-секин ўз ҳукмронлигини ўрнатилди."

Мазкур кўчирмада муаллиф воқеа-ҳодисаларни бўямай-бежамай, рўй-рост баҳолайди, тарихий шахсларни таърифлашда адолат билан сўз юритида. Келиб чиқиши афроний бўлган, халққа бир

Неру асарида Заҳириддин Мухаммад Бобур шахсига алоҳида эътибор қаратилган: "Бобур беқиёс даражада маданий, дилбар шахслардан эди. У мазҳабпарастликка хос маҳдудлик ва диний мутаассибликдан йироқ эди, вайронгарчилик билан шуғулланмади."

қанча муддат зулм билан сиёсат ўтказиб келган Султон Иброҳим Лодийни (1517-1526) очик-ойдин "заиф ва разил" деб атайти, шу билан у юритган сиёсатнинг бўш ва яроқсиз, адлу инсофдан йироқ бўлганига ишора қилади. Аксинча, Бобурийлардан етишиб чиққан давлат арбобларининг салтанатни кўп йиллар муваффақиятли бошқаргани, улар ҳукмронлиги ниҳоясига етгач, маратх ва сингхлар томонидан шоша-пиша янги майда давлатларга "асос солинигани"ни айтади. Парокандалик вазиятидан усталик билан фойдаланган инглизларнинг Ҳиндистонни ўз мустамлакасига айлантирганлари баёни эса Чор Россиясининг ўрта Осиё ҳудудларини босиб олишларини ёдимизга солади.

Бобур характеридаги муаллиф жид-

дий эътибор қаратган иккинчи фазилат унинг мардлиги, кўрсатган жасоратларидир. Бобурнинг жуда ёш пайтида — хали эсини танимаган бола чоғидаёқ тахтга ўтиргани, атрофини душманлар қуршаб турганини эслаб, "Ўғил ва қиз болалар мактабга қатнайдиغان ёшда унга қўлга қилич олиб, майдони хароба жанг қилишга тўғри келди. У тахтини қўлдан бой берди ва жўшқин ҳаёт йўлида кўп саргузаштларни бошдан кечириб, яна тахтини эгаллашга муваффақ бўлди", деб ёзади.

Бизнинг фикримизча, муаллиф Бобур босиб ўтган йўллар ва манзилларни "Бобурнома", "Хумоюннома" ва бошқа тарихий манбалардан фойдаланган ҳолда сингхлик билан ўрганиб чиққан. Бироқ у Бобур ўтган йўллар тўғрисида ёзганда ҳам, энг аввало, унинг кучли вирода соҳиб бўлганига диққатимизни тортади. Куйидаги жумла Бобурнинг эътибор берайлик: "У Қобулнинг фатх этиб, Ҳинд тоғидан ошиб ўтди ва Ҳиндистонга бостириб кирди. Аммо бу билан Бобурнинг мушкуллари осон бўлмади, яна бир неча бор ҳаёти қил устида қолди. Бир гал бошига хавфхатар ёйилган пайтда саркардалари унга шимол томонга чекинишни маслаҳат беришди. Лекин Бобурнинг жони темирдан эди, шу боис чекинишдан кўра ўлимни афзал кўришни айтди. У май (чоғир) ичишни севарди, аммо ҳаётининг чигал давларидан бирида, майдан воз кечилган аҳд қилди ва барча қадахларни синдириб ташлади. Унга ғалаба ёр бўлди, шу бўйи у Қасмига содик қолди."

Мухтасар қилиб айтганда, Жавоҳарлаъл Нерунинг Бобурийлар сулоласи ҳақидаги фикрлари ўрта асрлар Шарқ давлатчилиги ва миллий маънавиятимизга берилган юксак баҳодир.

Набижон СОЛИЕВ,
ТАТУ Фарғона филиали доценти,
филология фаълари номзоди

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК!

**Болалар бизнинг
келажакимиз, эртанги
қуниimiz эгаларидир**

Бугунги кунда жойларда мактаблар ва лицейлар педагогик жамоаси билан ота-оналар алоқаси яхши йўлга қўйилган. Бу борада таълим масканларида тузилган ота-оналар қўмиталарининг роли катта бўлаётир. Лекин шундай бўлишига қарамастан, болалар тарбиясида айрим нуқсон ва камчиликлар ҳам учрамоқдаки, уларнинг олдини олиш борасида жиддий бош қотириш талаб этилади.

Ана шундай нуқсонлардан бири хали вояга етмаган ўсмирларнинг сигарета чекишга ўрганаётганлигидир. Чекишнинг ёш организмга салбий таъсири қай даражада ноҳусоқ оқибатларга олиб келишини ўша чекаётган болаларнинг ўзлари ўқитувчиларнинг маънавият дарсларида берган ўғитлари ёки бўлма-са телевизордаги саломатликка оид кўрсатувлар орқали яхши билишади. Лекин улар атроф-муҳитнинг салбий таъсиридан қутула олмайдилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, фарзанд чекувчи ота ёки онадан чекишдан бошқа ниманиям ўрганиши мумкин. Шунингдек, зарарли оқибатларга олиб келувчи бу одатта қўниқинида билар юрган ўртоқларнинг ҳам сезиларли таъсири бўлади, албатта.



Шундай экан, фарзанд тарбиясига салбий таъсир этувчи омилларнинг олдини олишда ота-оналар билан жамоатчиликнинг биргаликдаги ҳаракати орқали яхши самарага эришиш мумкин.

Яқинда маҳаллалардан бирида болалар тарбиясига бағишланиб ўтказилган йиғилишда иштирок этишимга тўғри келди. Ва мени хурсанд қилган нарса шу бўлдики, маҳалла фаоллари маҳалладаги ўсмирлар тарбиясига жиддий ёндашадиган бўлишди. Улар кимнинг оиласида ўсмирлик ёшидаги нечта фарзанд борлигини аниқлашиб, сўнг уларни бир жойга йиғишга ва сўнгра маъруза ўқиш ва тўшунтириш ишларини олиб бориш учун шифокор ҳамда ҳуқуқшуносларни таклиф этишга қарор қилишди. Ҳуқуқшунос сифатида мен жон деб рози бўлдим бу таклифга.

Мазкур йиғилишда, шунингдек, педагоглар жамоаси, ота-оналар ҳам иштирок этишди. Жонли мисоллар асосида олиб борилган тўшунтириш ишлари ўз самарасини беради, албатта.

Нарғиза САЛИМОВА,
Тошкент шаҳри, Юнусов
тумани, 1-Давлат нотариал
идораси нотариуси

JASORAT

Жасурнинг мардона иши

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг 1-босқич талабаси Жасур Шоназаров яқинда ҳақиқий инсонийлик фазилатларини намоён этиб, тасодифий фалокатга дуч келган кишини оғир вазиятдан қутқариб қолди.

Қундалик ҳаёт ташвишлари билан юрган Жасур Қарши бош канали устига ўрнатилган кўприкка яқинлашганда турли ёндаги бир неча кишининг безовта ҳолда кўприк ёнида тўпланишаётганини кўриб қолди. Нима гаплигига қизиқиб яқин боргач, кўридики, каналда бир қиз гох сувга шўнғиб, гох сув юзасига чиқиб оқиб борарди. Қимлардир кўприк устида сув ёқасига югуриб туша бошлаганди. Яна бировлар қирғоққа қараб сузиш ҳақида ўзларича қизга маслаҳат бериб бақирларди. Тезда вазиятни англаб етган Жасур кийимларини чала-чулла ечиб, сувга сакради. Оёқ-қўллари холсизланган,

чўка бошлаган қизни қутқариб қирғоққа чиқариб олгач, қирғоқда қолган ўзининг уст-кийимларини қизнинг елкасига ташлади. Қўркув ва совуқдан деярли ҳусисизланган қизга "Тез ёрдам" шифокорлари дастлабки ёрдам кўрсатиб, уйига етиб олишига кўмаклашдилар. Фалокатдан омон қолган Хулқар (айрим мулоҳазаларга кўра исми ўзгартирилган) ва унинг онаси Саломат опа Жасурнинг бу мардлигига чексиз миннатдорлик билдиришди, унга қайта-қайта раҳматлар айтишди.

Сурхондарё вилоятининг Сароисиё туманида туғилиб ўсган, ТАТУ Қарши филиалида таҳсил олаётган Жасур ўзининг аъло ўқиши, интизомлиги, намунали ахлоқ-одоби билан ўқини жойида кўпларнинг ҳурматини қозонган. Кўрсатган мардлиги ва жасорати учун филиал раҳбарияти Жасур Шоназаровни "Ташаккурнома" ва қимматбаҳо эсдалик совғаси билан тақдирлади.

Афтондил ИСМОИЛОВ

Буюк Британияда шу йил апрел ойи охирига қадар Темурий ҳукмдорлар салтанатига бағишланган кўргазма ўтказилади.

ОБОДЛИК қалбдан бошланади

Яқинда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда Обод турмуш йилига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда жамият ва унинг таркибидagi "Халқаро почтамит", "Тошкент почтамит", Тошкент филиаллари ходимлари иштирок этишди.

"Ободлик қалбдан бошлади" деб номланган ушбу тадбирда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси, Халқаро Антик дунё илмий академияси академиги Қобилбек Каримбеков катнашди.

Қ.Каримбеков Обод турмуш йилининг ижтимоий мазмуни, унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гапирар экан, турмуш ободлиги — қалб ободлигидан бошланишини, бунинг учун эзгу мақсадлар ва уни рўёбга чиқариш зарурлигини, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига, жамиятнинг барча соҳаларини юксалтириш, ёш ва малакали кадрлар учун янги иш ўринларини яратиш кераклигини таъкидлади.

— Президентимиз томонидан олиб борилаётган фуқароларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўлмали сиёсат Обод турмуш йилида ҳам янада кўп самаралар беришига шубҳа йўқ, — деди Қ.Каримбеков. — Зеро,

ободлик қалбдан бошланади. Қалб гўзал бўлса, эзгулик, яхшилик, яратувчанлик ва бунёдкорлик туйғулари кучаяди. Натижада ҳаётимиз гўзал, турмушимиз фаровон бўлади, давлатимизнинг иқтисодий кудрати янада ошади. Юртимиз киёфаси чиroy очади. Ватан билан фахрланиш хисси кучаяди.

Маърузачи, шунингдек, мамлакатимизда йилларнинг алоҳида номлар билан аталиши аёнанага айланиб қолгани, фуқаролар маълум бир шиор остида бирлашиб, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлаётганлари ҳақида ҳам сўз юритди.

Қизиқarli ўтган ушбу тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Маърузачи йиғилганларни қизиқтирган саволларига батафсил жавоб берди.

**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
матбуот хизмати**

ФУТБОЛ

ДУРАНГ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2015 йилда Австралияда ўтайдиган Осиё кубоги саралаш турнирининг илк учрашувда Гонконг футболчилари билан дуранг ўйнади.



Ўзбекистон миллий терма жамоаси "Е" гуруҳида Гонконг, Бирлашган Араб Амирликлари ва Ветнам жамоалари билан Осиё Кубоги финали йўлланмаси учун куч синашмоқда.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Ветнам футболчилари ўз майдонида Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасига 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

Иккинчи турда Ўзбекистон миллий терма жамоаси 22 март куни гуруҳдаги асосий рақобатчи — БАА футболчилари меҳмони бўлади.

ТЕННИС

Дэвис кубоги:

Ўзбекистон — Хитой — 4:1

Теннис бўйича Дэвис кубоги мусобақасининг Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси дастлабки босқичда Хитой Халқ Республикаси теннисчиларини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Наманган шаҳридаги "Пахлавон" спорт мажмуаси теннис кортлари меҳмонлик қилган мусобақада Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Сарвар Икромов ҳамда Темур Исмоиловлардан иборат терма жамоамиз рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи босқичда Австралия теннисчилари билан куч синашади.

БОКС

Беш медал

Қирғизистонда ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари уч олтин ва икки бронза медал жағғариб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Ўнга яқин мамлакатдан 190 нафардан зиёд чарм қўлоқ устаси рингга чиққан халқаро турнирда 75 килограмм вази тоифасида Азизбек Абдуғофуров, 91 килограммдан юқори вазнда Иzzатулло Эргашев, 81 килограмм вази тоифасида Зухриддин Маҳсамовларга тенг келадиган рақиб топилмади. Нурсултон Нишоновов ва Мирзобек Хасанов бронза медал билан тақдирланди.

ШАХМАТ

Чемпионлик учун кураш қизгин

Пойтахтимизда шахмат бўйича 10 ва 16 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида давом этаётган Ўзбекистон чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди.

10 ёшгача шахматчилар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони Нодирбек Абдусатторов (Тошкент) жами етти ярим очко билан пешқадамлик қилмоқда.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда икки етакчи — Дилбар Хамроева ҳамда Юлия Хегайлар ҳисобида олти яримтадан очко бор.

16 ёшгача шахматчилар ўртасида қизлар ўртасида Гулруҳбегим Тохиржонова, ўсмирлар орасида пойтахтлик ФИДЕ устаси Олег Артёмченко биринчи ўринни эгаллаб турибди.

ЭЪЛОНЛАР!

"MEGA STARLAYT" МЧЖга қарашли юк ташиш автосамосвалларига берилган 1095774, 1095770, 1095773, 1095777, 1095772 рақамли лицензиялар йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

"ХАВАР" газетаси тахририяти — давлат унитар корхонасига Юнусобод туман ҳокимининг 2002 йил 11 июлдаги 1115-қарорига асосан берилган 000484-сонли юридик шахсни давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Маълум қиладикки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоининг 49-бадига асосан:

"ALOQA RTV" шўъба корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003022 рақамли;

"GLOBALNET" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003660 рақамли;

"CELL TELECOM ENGINEERING" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.):

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003841 рақамли;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003842 рақамли;

"PRENOS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002529 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 30 январдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоининг 49-бадига асосан:

"INTER SERVIS PLYUS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002709 рақамли;

"KO ZGU-CHIROY" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003271 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 4 февралдан тугатилди.



ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади

Доцентлар:

Компютер графикаси ва дизайн — 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 1, Чет тиллари — 1, Электр занжирлар назарияси — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.
Телефон: 238-64-06.

Ўтганларнинг охирати эбод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Юнус Камоловга волидан мухтарамаси

Ҳақида ая МУҲАМЕДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва қасаба уюшмаси қўмитаси жамоаси алоқа тизимида узок йиллар ишлаган меҳнат фахрийси

Аҳмад МУҲАМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси филиал хайдовчисининг биринчи ўринбосари Исқандар Ачилдиевга падари бузруквори

Жўра бобонинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси филиал хайдовчисини Менглибой Раҳматуллаевга онаси

Момоҳол РАҲМАТУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг машхур "Хамса" асаридаги "Лайли ва Мажнун" достони бир кўришдаёқ севиб қолиш, биринчи муҳаббат ҳақидаги дoston. Бу дoston билан русийзабон ўқувчилар Семён Липкин ва Татьяна Стрешнева таржимаси орқали танишишган.



Шoир даҳoсига эҳтиром

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалида Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят алоқа корхоналари ходимлари иштирок этишди.

ТАТУ Фарғона филиали доценти Набижон Солиев фақат ва фақат Ҳазрат Навоийга нисбатан қўлланиладиган "сўз даҳоси", "сўз мулкининг султони", "ғазал мулкининг султони"

дини-мазхаби, замони ва маконидан қатъи назар юраги уриб турган инсон борки, маънавий эҳтиёжларини қондириш учун Навоийни билиши керак, дейилди. Менимча, буңдан ҳамма ўзига яраша хулоса чиқариб олди.

ТАТУни тугаллаб иш бошлаган мутахассислардан бири сифатида касб сирларини мукамал ўрганишдан ташқари, халқимизнинг маънавий меросини билишим, жумладан, буюк сўз санъаткори — Навоий асарларини қайта-қайта ўқишим зарурлигини тушуниб етдим.

TADBIR

"фасоҳат мулкининг соҳибқирони" сифатлари мазмун-моҳияти хусусида фикр-мулоҳаза юритди, улўф бобомиз яратган бадиий ва илмий мўъжизалар, навоийшунос олимларнинг изланишлари натижалари билан таништирди.

Дилдорахон ОРТИҚОВА,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали кадрлар бўлими ходими:

— Менда тадбир катта таассурот қолдирди. Маърузачи олимимиз таъкидлаганидек, Навоий мероси бами-солиуммон, хатто навоийшунос олимлар ҳам "Навоийни яхши биламан. Ҳамма асарларини чуқур англаб етдим", дея олмас эканлар. Хуллас, мен Мир Алишер Навоий ҳақида нималарни биламану ўзим, яъни оилам, фарзандларим учун зарур бўлган нималардан бехабарман — ўйлаиб қолдим. Ақалли болаларимизни, бобобувилик насиб этса, набираларимизни тарбиялаш учун ҳам Навоийни жуда кўп ўқиш, уқиш кераклигини хис этдим.

Ҳаётбек РАҲМОҶОВ,
"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали иқтисодий таҳлил ва прогностлаш бўлими ходими:
— Маърузада тили, миллати,

Анна ФРАНЦУЗОВА,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали ҳисобхона ходими:

— Мени буюк мутафаккирнинг барча асарлари, айниқса, Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фалояти, камбағалларга, мадрасаларда тахсил олаётган ёш иктидор эгаларига, хунармандларга, бастакор, хонанда, созандаларга қилган меҳр-муруват ёрдамлари, умуман, барча саховатпешалик ишлари, эълорт ободлиги йўлида жон куйдиргани, мадрасалар, шифохоналар қурдиргани каби масалалар жуда қизиқтиради. Шунинг учун ҳам маърузачи Навоий асарлари лўғати қайтадан тўлдирилиб нашр этилаётганини, Комуси яратилаётганини айтганда жуда қувондим...

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Лайли ва Мажнун

Лайли ўз ошиғига ёзган хат асарнинг энг машхур лобларидан ҳисобланади. Қайғу ва алам билан тўла мактубида шундай мисралар бор.

Аслида: Ким туну кун ўлғамен рафиқинг,

Йўлсиз югурурда ҳамтариёқинг.

Сен бўлсангу мен жаҳонда мавжуд,

Бўлса яна коинот нобуд. (148-б.)

Худди шу парчани мутаржим Семён Липкин қандай таржима қилганини кўрайлик:

"Чтоб я была товарищем твоим,
Охвачена пожарием твоим,
Чтоб мир погиб во тьме небытия,
Чтоб в мире были только ты да я!" (115-б.)

Биринчи байтни "твоим" радифи билан русчага ўгириб, Лайлининг нияти кўнглидагидай янраган, иккинчи байтта келганда байт сўзма-сўз таржима қилинган. "Чтоб" сўзи анафора вазифасида келади, ушбу усул яна Лайлининг сўзларини таъкидлайди, унинг ҳис-туйғуларига эътиборни кучайтиради.

1958 йил Тошкентда чоп этилган Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонининг Амин Умарий ва Хусайнзодалар томонидан қилган настрий ифодаларида юқоридаги парча шундай: "Кун-тун рафиқинг бўлиб, йўлсиз югуришда ҳамроҳинг бўлсам. Жаҳонда сен билан мен бўлсаму бутун коинот нобуд бўлса" (263-б.)

Худди шу парчани Стрешнева таржимасида кўрайлик:

"Чтоб я была с тобой в ночи и днем,
Не разлучаясь ни на миг, вдвоем.
Во всей вселенной до небытия,
Мой несравненный, только ты и я!"

Албатта, аёл ва эркак севгини бир-бирдан фаркли равишда тушунади. Эътибор қилсак, Семён Липкин ўз таржимасида дунё нобуд бўлишини, шунда кимсасиз дунёда фақат иккиси қолишини ифодалайди. Биринчи таржимон бу байтларини сўзма-сўз ўгирган. Лекин аёл-чи, аёл бу байтларни қандай таржима қилди? Биринчидан, шу ёдимиздан кўтарилмаслиги керак, аёл — она, у яратилди-ки, бир қўлида бешикни, иккинчиси билан дунёни тебратиб туради. Аёл зоти борки (миллатидан, дини эътиқодидан қатъи назар), у ҳеч қачон дунё нобуд бўлиб, фақат севгилиси билан тирик мавжудотсиз ерда янги оила қуришни ният қилмайди. Шунинг учун Стрешнева ушбу байтни "Дунё тургунча фақат иккимиз бирга бўлайлик" деб таржима қилади.

Умида УМАРҲЎЖАЕВА,
"UNICON.UZ" ДУК ходими

ГАР ОШИҚ ЭСАНГ

Гар ошиқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард иставу дафъига даво қилма ҳавас,
Ҳижрону висол мутлақо қилма ҳавас,
Дилдорингдин гайри ризо қилма ҳавас.

УМРИ АЗИЗ

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортўқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Ё РАБКИ

Ё рабки, иноятингни ёр айла манга,
Йўқлўққа ҳидоятингни бор айла манга,
Ҳам қаҳфи кифоятингни дор айла манга,
Ҳам дурри иноятинг нисор айла манга.

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Ғузор ТБ шаҳар телефон тармоғи электромонтери Мамаражаб НОРОВИН 55 ёши билан табриклайди. Ушга узок умр, келгусидаги ишларида ривож тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал кадрлар бўлими бошлиғи Дилором ҲОЖИЕВА ҳамда техник хизмат кўрсатиш гуруҳи раҳбари Одил БОБОМУРОДОВларни 55 ёши билан табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Тошлўк ПАТ бошлиғи Орифжон ИСОҚОВни 55 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлиқ, узок умр, фаразандлар роҳатини кўришликни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Мариялон ШТБ ходими Нурмуҳаммад СОТВОЛДИЕВИН 55 ёши билан табриклайди. Унга энг эзгу тилақларини йўлайди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ КўМИТАСИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КўЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувои НАҲБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОҶОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайдди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўририлишига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтаинг
жума кунин
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-252 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ.
Алади: 17881 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслидин БўРИЕВ.
Навбатчи: Усможон ЙўЛДОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
мухбирлари:

Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулстонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 232-97-86	Нукусда 554-35-45	Самарқанда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчада 226-37-16	Фарғонада 224-18-05	Қаршида 931-08-99
------------------------	-----------------------	-----------------------	-----------------------	-----------------------	-------------------------	----------------------	-------------------------	-----------------------	------------------------	------------------------	------------------------	----------------------